

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОЖИЕВ РУСТАМБЕК РАСУЛОВИЧ

**КАРАУМБЕТ ВА БОРСАКЕЛМАС КЎЛЛАРИ РАПАЛАРИДАН
БИШОФИТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

Тожиев Рустамбек Расулович

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларидан
бишофит олиш технологиясини яратиш..... 3

Тожиев Рустамбек Расулович

Разработка технологии получения бишофита из
рапы озер Караумбет и Барсакелмес..... 22

Tojiev Rustambek Rasulovich

Working out of technology of reception bischofit
from lakes Karaumbet and Barsakelmes..... 40

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОЖИЕВ РУСТАМБЕК РАСУЛОВИЧ

**КАРАУМБЕТ ВА БОРСАКЕЛМАС КЎЛЛАРИ РАПАЛАРИДАН
БИШОФИТ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/T174 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзакулов Холтура Чориевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сейтназаров Атаназар Рейпназарович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Каипбергенов Атабек Тулепбергенович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик - технология институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/T.35.01 рақамли илмий кенгашнинг «__» _____ 2017 йил соат «__» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90 e-mail: ionxanruz@mail.ru)

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги №__ рақамли реестр баённомаси).

Б.С. Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С. Салиханова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С. Тухтаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошдаги илмий
семинар раиси, к.ф.д. профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда қишлоқ хўжалигини келгусидаги ривож тупроққа ишлов беришнинг янги технологияларини жорий этиш, техник экинларнинг юқори ҳосилдор навларини яратиш, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, дефолиантлар ва бошқа препаратлар ишлатилишини қамраб оладиган комплекс чора-тадбирларни қўлланилиши ҳисобига ҳосилдорлик ва унинг сифатини ошириш билан боғлиқдир. Шунинг учун кейинги йилларда пахтачилик учун дефолиантлар, уруғларга дастлабки ишлов бериш препаратларининг янги, юқори самарадор, хавфсиз турларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўпчилик янги дефолиантлар ва уруғларга дастлабки ишлов бериш препаратлари магний хлорат ва хлоридларининг қўлланилишига асослангандир.

Бугунги кунда жаҳонда мавжуд қўлларнинг шўрсувли тўйинган эритмалари, денгиз сувлари, табиий ташландиқлар тарзидаги хомашё манбаларини ишлаб чиқаришга қамраб олиш орқали тоза тузлар ва магний оксид олиш технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Караумбет ва Борсакелмас кўли рапаларидан (рапа – кўп компонентли тузларнинг сувли эритмаси) магний хлорид олиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Қўллар рапаларини қайта ишлаш технологиясини яратишда қатор, жумладан, қуйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш зарур: рапада мавжуд қўшимчалардан тозаланган, магний хлориднинг тўйинган эритмаларини олишнинг самарадор усулларини яратиш, бишофит олиш технологиясини ишлаб чиқиш кабилар илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришганидан буён кимё саноатида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, инновацион технологияларни жорий қилиш, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар, жумладан дефолиантлар, уруғларга дастлабки ишлов бериш препаратлари ҳажми ва ассортиментини кўпайтириш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида кам зарarli дефолиантлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигида уларни қўлланилиши борасида муҳим натижалар олинди. Шу билан биргаликда, магнийли хомашёларнинг янги конларини ўзлаштириш ҳамда уларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга етарли эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш»га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан магнийли хомашёларнинг янги конларини ўзлаштириш ҳамда уларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришига жалб қилиш,

Республикани керакли кимёвий маҳсулотлар билан таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги № ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлар дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги № ПК-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник ва патент адабиётларида магнийли хомашё манбаларини бишофит ва бошқа магний бирикмаларига қайта ишлаш бўйича катта ҳажмдаги илмий материаллар ва усуллар мавжуддир. Хлорид-сульфатли эритмаларни қайта ишлаш масалалари билан Лепешков И.Н., Бергман А.Г., Здановский А.Б., Денс-Литовский А.И., Хожамамедов А.В., Кульмаксимов А.Х. ва бошқалар шуғулланишган.

Магнийли хомашё манбалари хилма хил ва таркибининг бир-биридан фаркланиши уларнинг хусусиятини белгилаб беради. Шу сабабли барча турдаги хомашёлар учун алоҳида илмий ва технологик ёндошув, нисбатан мос келадиган қайта ишлаш усуллари танлаш зарур бўлади. Жаҳон амалиётидаги маълум бўлган технологияларни Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини қайта ишлаш учун тадбиқ этиб бўлмайди.

Илмий адабиётларда Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларининг захираси, уларнинг таркиби, натрий хлорид ва бишофитга қайта ишлаш ҳақидаги маълумотлар мавжуд, лекин уларни қайта ишлаш технологияси, рапаларни қўшимчалардан тозалаш, бишофит олиш бўйича маълумотлар йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий тадқиқот режасининг А-6-27 рақамли «Қорақалпоғистон Республикаси Караумбет кўли рапасини комплекс қайта ишлаш» (2006-2008 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа, ИД-2-003 рақамли «Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларидан натрий хлорид, натрий сульфат, магний хлорид ва магний оксид ишлаб чиқаришни тажриба-синовларини ўзлаштириш» (2009-2010 йй.) мавзусидаги инновация тадқиқоти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Караумбет ва Борсакелмас кўли рапаларини «Кўнғирод сода заводи» УК чиқиндиси – дистиллер суюқлиги билан

сульфатсизлантирувчи реагент сифатида ишлатган ҳолда бишофит ишлаб чиқаришнинг мақбул технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларининг кимёвий ва тузли таркиби, физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

Рападаги галит ва мирабилитнинг қишки ва ёзги мавсумда чўкиш жараёнига ҳудуд об-ҳаво шароитининг таъсирини таҳлил қилиш;

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини буғлатиш жараёнини тадқиқ қилиш;

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини сульфатсизлантириш жараёнини тадқиқ қилиш;

сульфатсизлантирилган эритмалардаги қолдиқ сульфатлар ва кальцийдан қўшимча тозалаш жараёнини аниқлаш;

тозаланган эритмаларни буғлатиш, ажралиб чиққан чўкмани ажратиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

бишофит суюқланмасини кристаллантириш жараёнини тадқиқ қилиш;

тажриба-ишлаб чиқариш шароитида Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини магний хлоридга комплекс қайта ишлаш технологиясини синовдан ўтказиш;

бишофит ишлаб чиқариш технологик схемаларини яратиш, моддий балансини тузиш, технологик регламентини тайёрлаш ва дастлабки техник иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапалари, дистиллер суюқлиги, кальцинирланган сода, натрий ва кальций сульфатлари, галит, бишофит ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини қўшимча компонентлардан тозалаш ва рапаларни комплекс қайта ишлаб бишофит, галит, кимёвий чўктирилган гипс ва бўр олиш технологиялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий, физик-кимёвий, оловли-фотометрик, рентгенографик, ИК-спектроскопик.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи мартаба бир пайтнинг ўзида сода ишлаб чиқариш чиқиндиси – дистиллер суюқлигини утилизациялаш йўли билан Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини магний хлоридга комплекс қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган;

рапалар кимёвий таркиби ва хоссаларига об-ҳавонинг таъсири аниқланган;

технологик омилларни рапаларни сульфатсизлантириш, реологик хоссалари ва таркибига таъсири аниқланган;

сульфатсизлантирилган рапаларни қолдиқ сульфат ва кальцийдан тозалаш жараёнини самарадорлигини ошириш техник ечимлари ишлаб чиқилган;

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини кўшимча кимёвий чўктирилган гипс, кальций карбонат, галит олиш билан магний хлоридга қайта ишлашнинг комплекс ва самарадор технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бишофит ишлаб чиқаришга маҳаллий хомашё сифатида Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини қамраб олиш мумкинлиги очиб берилди;

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини бир пайтнинг ўзида кимёвий чўктирилган гипс, бўр, галит олиш билан магний хлоридга комплекс қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилди;

«Фарғонаазот» АЖда Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини магний хлоридга комплекс қайта ишлаш технологияси синовдан ўтказилди;

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларидан бишофит олиш технологиясини ўзлаштириш саноат ишлаб чиқаришига маҳаллий хомашёларни жалб этиш, импорт ўрнини босадиган экспортбоп маҳсулотга бўлган эҳтиёжни таъминлаш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба-саноат синовлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакат иқтисодиёти учун зарур бўлган импорт ўрнини босадиган кимёвий маҳсулот – магний хлорид ишлаб чиқаришга Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини қамраб олиш учун асос яратилиши билан изоҳланади. Галитнинг ёзги ва мирабилитнинг қишки ажратилиши йўли билан Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини комплекс қайта ишлаш бўйича маълумотлар олинди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сода заводининг кўп тоннали чиқиндиси – дистиллер суюқлигини ишлатиш орқали рапаларни сульфатлардан кальций сульфат тарзида чўктириш йўли билан ҳамда сульфатсизлантирилган эритмаларни кальцинацияланган сода ва барий хлорид билан кўшимча тозалаш орқали бишофитга қайта ишлаш мумкинлиги очиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини магний хлоридга комплекс қайта ишлаш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

таркибида натрий ва магний хлорид ва сульфат тузлари бўлган табиий рапани қайта ишлаш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04356). Натижада натрий ва магний хлорид ва сульфат тузлари бўлган рапаларни дистилляция суюқлиги билан сульфатсизлантириш, эритмани кальцинацияланган сода билан чуқур тозалаш, буғлатиш ва натрий хлоридни ажратиш орқали магний хлорид олиш имконини берган;

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини сульфатлар, кальций, натрийдан тозалаш, галитни ажратиб олиш ва кристалл магний хлорид олиш технологияси «Фарғонаазот» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2017 йил 01 декабрдаги 01/3-6016/П-сон маълумотномаси). Натижада импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп кимёвий

махсулот олиш, саноатни қимматбаҳо кимёвий хомашё билан таъминлаш, валюта заҳирасини тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та ихтирога ЎзР патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бишофит ишлаб чиқариш ва қўлланилиш соҳасининг ҳозирги замондаги ҳолати»** деб номланган биринчи бобида хомашё ресурсларининг тавсифи, магний хлориднинг қўлланилиши ва уни олиш усуллари келтириб ўтилган. Турли хил эритмалар ва намақоблардан бишофит олишни асослаб берадиган системалар кўриб чиқилган. Чоп этилган натижаларни чуқур ва батафсил таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **«Дастлабки хомашёлар, оралик ва тайёр маҳсулотлар тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида минерал тузлар конлари, Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларининг тавсифи, маълум вақт оралиғида тўйинган эритмалар таркибининг ўзгариши, дистиллер суюқлигининг таркиби ҳамда тажрибани, кимёвий ва физик-кимёвий таҳлилларни ўтказиш методикалари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини бегона қўшимчалардан тозалаш»** деб номланган учинчи бобида Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларининг таркиби ва физик-кимёвий хоссалари ҳақидаги маълумотлар, минерал тузлар конлари бўйича геолого-минералогик маълумотлар келтирилган.

Ишлаб чиқаришга яроқли бўлган Караумбет кўлидаги кристаллараро рапа заҳираси 1506,3 минг тоннани ташкил этади. Караумбет кўлининг

тасдиқланган захираси 700 минг тонна MgCl_2 ёки 295 минг тонна MgO ҳисобида баҳоланган. Караумбет кўли рапаси таркибида NaCl – 20,3-22,7%, MgCl_2 – 6,2-6,7% ва MgSO_4 – 5,2-8,3% бўлади.

Борсакелмас кўли рапаси асосан натрий ва магний хлорид тузларидан иборат бўлиб, унинг таркибида: NaCl – 26,3-29,0%, MgCl_2 – 2,3-5,0% ва MgSO_4 – 1,8-3,5% бўлади. Борсакелмас кўли рапасидаги магний тузларининг захираси 2470 минг тонна MgCl_2 ёки 1040 минг тонна MgO ташкил этади. Борсакелмас кўли рапасининг зичлиги $1,190 \text{ г/см}^3$ дан $1,220 \text{ г/см}^3$ гача ўзгаради, pH қиймати 6,4-7,0, 20°C ҳароратдаги қовушқоқлиги 2,04-2,77 сПз ташкил этади. Эритмаларнинг қайнаш ҳарорати 103 дан 106°C гача ўзгаради.

Караумбет кўли рапаси таркибидаги магний ва сульфат ионлари миқдори нисбатан кўп бўлади. Караумбет рапаси таркибидаги магний миқдори 2-3 марта кўп бўлиб, MgO ҳисобида 4,55 дан 6,27% гачани ташкил этади. Караумбет кўли рапасининг физик тавсифи кам фарқланади ва: pH 6,3-6,8, зичлиги $1,24$ - $1,29 \text{ г/см}^3$, қовушқоқлиги 3,07-4,87 сПз ни ташкил қилади. Қайнаш ҳарорати 104 - 106°C . Рапаларни табиий буғланиши бўйича тадқиқотлар лаборатория шароитида ва Караумбет кўли яқинидаги очик майдонда ўтказилди. Кузатиш давомийлиги 80 суткани ташкил этди. Бунинг учун металл сиғимларга Караумбет кўли рапасидан $0,424 \text{ м}^3$ ва Борсакелмас кўли рапасидан $0,546 \text{ м}^3$ ҳажмда қуйилди.

Тадқиқот учун таркибида (оғ. %): Na_2O - 11,98; CaO - 0,11; MgO - 4,59; Cl^- - 16,90; э.қ. - 0,23; SO_4^{2-} - 3,46; MgCl_2 - 6,88; NaCl - 22,65; MgSO_4 - 5,31; э.қ. - 0,23 бўлган Караумбет кўли рапаси ҳамда Na_2O - 14,38; MgO - 1,59; CaO - 0,045; Cl^- - 17,90; SO_4^{2-} - 1,90; MgCl_2 - 3,80; NaCl - 24,82; Na_2SO_4 - 2,81; pH - 6,6; ρ - $1,200 \text{ г/см}^3$; η - 2,74 сПз бўлган Борсакелмас кўли рапасидан фойдаланилди.

Кузатиш даврида Караумбет кўли рапаси баландлигининг 31,60 см дан 10,30 см гача пасайиши, ҳажми эса $0,2902 \text{ м}^3$ гача камайиши, MgCl_2 концентрациясининг 6,88% дан 17,41% гача ортиши кузатилди. Тўйинган эритма зичлиги $1,222 \text{ г/см}^3$ дан $1,288 \text{ г/см}^3$ гача ортади. Шунча вақт давомида Борсакелмас кўли рапасининг ҳажми $0,5646 \text{ м}^3$ дан $0,2561 \text{ м}^3$ гача камайди, баландлиги 40,33 см дан 18,29 см гача пасайиши, MgCl_2 концентрацияси 3,80% дан 17,33% гача ортади, 24,98% NaCl чўкмаси ажратиб олинди.

Паст ҳароратда Na_2SO_4 чўкиш жараёнини моделлаштириш ва мақбул кўрсаткичларни аниқлаш мақсадида NaCl ни ёзги чўкишидан сўнг олинган эритмадан $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ чўкиш жараёнига ҳароратнинг таъсири ўрганилди.

Караумбет кўли рапаси 30°C дан -10°C гача совутилганда эритмада натрий ионлари ва сульфат ионлари камаяди ҳамда эритма магний ва хлор ионларига бойийди. Na_2SO_4 миқдори 7,11% дан 0,54% гача, NaCl 3,94% дан 1,61% гача камаяди, MgCl_2 миқдори эса 19,69% дан 23,31% гача ортади. Чўкмада NaCl ва MgSO_4 қўшимчалари бўлган асосан $\text{Na}_2\text{SO}_4 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ бўлади.

1-жадвалда Борсакелмас кўли рапаси совутилишидан ҳосил бўладиган суюқ фаза таркиби бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, бу рапаларни минус 5 - 10°C ҳароратгача совутилганда рападаги Na_2SO_4 миқдорини 0,09% гача камайтирилишидан ҳамда натрий хлорид миқдори 26,20-26,43% ни,

магний хлорид микдори 4,01-4,05% ни ташкил этишидан далолат беради. Натрий сульфат унуми $-5 \div -10^{\circ}\text{C}$ ҳароратда бошланғич эритма массасининг 81,14-95,37% ни ташкил этади.

1-жадвал

Борсакелмас кўли рапаси совутилганда ҳосил бўладиган суюқ фазанинг кимёвий таркиби

Ҳарорат, $^{\circ}\text{C}$	Кимёвий таркиби, оғ. %				Тузли таркиби, оғ.%			Na ₂ SO ₄ чиқиши, %
	Na ⁺	Mg ²⁺	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	MgCl ₂	NaCl	Na ₂ SO ₄	
30,0	10,67	0,96	17,90	1,90	3,80	24,82	2,81	0,00
25,0	10,67	0,96	17,90	1,90	3,80	24,82	2,81	0,00
20,0	10,67	0,96	17,90	1,90	3,80	24,82	2,81	0,00
15,0	10,67	0,96	17,90	1,90	3,80	24,82	2,81	0,00
10,0	10,67	0,96	17,90	1,90	3,80	24,82	2,81	0,00
5,0	10,65	0,96	17,97	1,78	3,82	24,94	2,63	6,41
2,5	10,64	0,97	18,05	1,66	3,83	25,04	2,45	12,81
0,0	10,61	0,97	18,17	1,45	3,86	25,23	2,14	23,84
-2,5	10,52	1,00	18,64	0,72	3,96	25,88	1,07	61,92
-5,0	10,47	1,01	18,87	0,36	4,01	26,20	0,53	81,14
-7,5	10,45	1,02	19,00	0,18	4,03	26,36	0,27	90,39
-10,0	10,44	1,02	19,06	0,09	4,05	26,43	0,13	95,37

Олинган маълумотлар Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини табиий концентрлаш ҳамда натрий хлоридни чўктириш йўли билан рападаги магний хлорид микдорини 3,80-6,88% дан 17%гача ошириш, сўнгра кейинги қишки чўктириш натижасида олинган рападан глауберитни ажратиб олиш, бунинг натижасида натрий сульфат микдорини 0,53%гача камайтириш, шунга мувофиқ ҳолда магний хлорид микдорини 23%гача ошириш мумкинлигидан далолат беради. Рапани табиий буғлатиш ва мирабилитни қишки чўктириш жараёнлари анча узоқ вақт талаб этади. Шунинг учун кўллар рапаларини ишлаб чиқариш шароитида тўғридан-тўғри концентрлаш мумкинлиги тадқиқ қилинди.

Рапаларни буғлатиш 90°C ҳароратда, унча катта бўлмаган вакуум шароитида (40 мм сим. уст.) ва мунтазам аралаштириб турган ҳолда амалга оширилди. Рапа зичлиги белгиланган қийматга эришгач, 40 и 20°C ҳароратгача совутилди, суюқ ва қаттиқ фазалар филтрлаш йўли билан ажратилди. Караумбет кўли рапалари бошланғич зичлиги $1,240 \text{ г/см}^3$ дан суспензия зичлиги $1,550 \text{ г/см}^3$ бўлгунча концентрланганда ҳамда 40°C гача совутилганда суюқ фазадаги магний хлорид микдори 7,20% дан 28,24% гача ортади. Бунда натрий ионлари микдори 8,01% дан 0,91% гача, SO_4^{2-} эса 6,66% дан 5,63% гача камайдди. Совутиш ҳарорати 20°C бўлганда бу кўрсаткичлар, мувофиқ ҳолда: магний хлорид учун 7,20-28,98% ни, натрий ионлари учун 8,01-0,96% ни, SO_4^{2-} ионлари учун 6,66-5,72% ни ва Na:Mg нисбати учун 2,45-0,14 ни ташкил этади.

Караумбет кўли рапаларининг таркиби уни буғлатиш даражасига боғлиқ бўлади ва уни совутиш ҳароратига боғлиқ бўлмайди. Караумбет кўлининг 1,51-1,55 г/см³ зичликдаги буғлатилган рапаларидан ажратиб олинган қаттиқ фаза кимёвий таркиби кўп миқдорда натрий хлорид ва бишофит, оз миқдорда натрий сульфат кристаллогидратлари бўлишидан далолат беради. Рапалар концентрланганда қаттиқ фазадаги сульфатлар миқдори буғлатилган бўтқа зичлиги 1,360 г/см³ бўлганда 0,18-0,36% дан зичлиги 1,550 г/см³ бўлганда 2,67-3,54% гача ортади.

2-жадвалда Борсакелмас кўли рапалари суяқ ва қаттиқ фазалари таркибининг ўзгариш ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

2-жадвал

Борсакелмас кўли рапаларини концентрлаш жараёнининг айланма эритма таркибига ҳамда 40°C ҳароратгача совутилганда тузли чўкиндиси таркибига таъсири

т/р	с.ф., г/см ³	Суяқ фаза таркиби, оғ. %					Na:Mg	Қаттиқ фаза таркиби, оғ. %		
		Na ⁺	Mg ⁺²	Cl ⁻	SO ₄ ⁻²	MgCl ₂		Na ⁺	Mg ⁺²	Cl ⁻
1	1,245	8,90	2,77	16,9	4,21	10,9	3,21	38,93	0,13	60,83
2	1,246	6,40	2,97	12,9	4,66	11,6	2,16	42,56	0,15	57,30
3	1,276	6,20	2,97	15,9	4,68	11,6	2,09	43,41	0,11	55,20
4	1,290	5,01	3,72	13,9	6,01	14,6	1,35	43,60	0,15	54,90
5	1,295	4,44	4,46	15,8	7,58	17,5	1,00	43,30	0,18	54,90
6	1,288	3,38	4,29	15,7	7,69	16,8	0,79	38,93	0,13	57,30

Буғлатиш даражасига боғлиқ ҳолда суяқ фаза зичлиги 1,245 дан 1,295 г/см³ гача ўзгартирилди, бу бўтқа зичлигининг 1,245 дан 1,340-1,345 г/см³ гача ўзгаришига мувофиқ келади. Магний хлорид миқдори 10,9 дан 16,8% гача ортади, натрий ионлари миқдори 8,90 дан 3,38% гача камаяди, SO₄⁻² миқдори 4,21 дан 7,69% гача ортади ҳамда Na:Mg нисбат 3,21 дан 0,79 гача камаяди. Борсакелмас кўли рапалари буғлатилган намуналарини 40°C гача совутилишидан ажратиб олинадиган қаттиқ фаза амалда тоза натрий хлоридга мувофиқ келади. Натрий хлориди кристаллари устида қисман магний хлориди суяқлиги бўлади. Унинг миқдори 0,18% дан ортмайди. Сульфат ионлари умуман бўлмайди.

3-жадвалда Борсакелмас кўли рапаларини икки босқичда концентрлаш натижалари келтирилган. Бошланғич рапани буғлатиш биринчи босқичда суспензия 1,38 и 1,40 г/см³ зичликгача, иккинчи босқичда эса биринчи босқичдан ажритиб олинган суяқлик 1,34-1,35 г/см³ зичликгача буғлатилади.

Олинган натижалар шундан далолат берадики, рапалар 1,34-1,35 г/см³ зичликка эришгунча буғлатилганда чўкмада фақат натрий хлорид бўлади. Суяқ фазанинг кейинги 1,38-1,40 г/см³ зичликка эришгунча буғлатилганда чўкмага сульфатлар ҳам ажралади. Рапа зичлиги 1,34-1,35 г/см³ га эришгунга қадар иккинчи босқич буғлатишдан сўнг чўкмага фақат натрий хлорид ажралади.

Борсакелмас кўли рапаларини айланма эритмалари ва тузли чўкиндиси таркибига буғлатиш жараёнининг таъсири

№	сусп., г/см ³	с.ф., г/см ³	Суюқ фаза таркиби, оғ. %					Қаттиқ фаза таркиби, оғ. %			
	г/см ³	г/см ³	Na ⁺	Mg ⁺²	Cl ⁻	SO ₄ ⁻²	MgCl ₂	Na ⁺	Mg ⁺²	Cl ⁻	SO ₄ ⁻²
Буғлатишнинг I-босқичи											
1	1,245	1,245	8,90	4,60	16,90	4,21	10,62	-	сл.	-	-
2	1,345	1,295	6,01	5,24	14,60	6,21	14,95	38,46	сл.	49,72	сл.
3	1,380	1,270	5,55	6,41	14,97	7,10	15,13	40,17	сл.	50,33	0,94
4	1,400	1,300	4,12	8,53	15,40	7,15	20,14	42,21	сл.	49,05	1,72
Буғлатишнинг II-босқичи											
5	1,340	1,296	3,90	8,27	16,12	6,87	19,54	39,35	сл.	48,92	сл.
6	1,350	1,297	3,68	8,18	14,73	7,33	19,35	37,10	сл.	50,63	сл.

Тоза натрий хлорид ва нисбатан юқори концентрацияли магний хлорид эритмаси (19-19.5%) олиш учун рапани икки босқичда буғлатиш керак. Биринчи босқичда бўтқа зичлиги 1,34-1,35 г/см³ бўлгунга қадар ва сўнгра натрий хлоридни ажратиб олиш орқали буғлатилади. Ҳосил қилинган зичлиги 1,29-1,30 г/см³ бўлган айланма эритма ҳам худди шундай зичлиги 1,34-1,35 г/см³ бўлгунга қадар буғлатилади. Бунда амалда тозаллиги 98% дан юқори бўлган натрий хлорид чўкмага тушади.

Рапа таркибида сульфат ионларининг бўлиши уни натрий хлорид олиш учун тўғридан-тўғри ишлатишга тўсқинлик қилади. Рападан бишофит олиш учун уни сульфат ионларидан тозалаш зарур ҳисобланади. Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини сульфатсизлантириш бўйича тадқиқотлар дистиллер суюқлиги билан амалга оширилди. Дистиллер суюқлигининг меъёри SO₄⁻²:Ca⁺² нисбатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланди.

4-жадвалда СаО ҳисобида дистиллер суюқлиги меъёри 100% бўлганда Караумбет кўли рапаларини таркиби ва сульфатсизланиш даражасига жараён давомийлиги ва ҳароратнинг таъсири бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ҳарорат 20⁰С да жараён давомийлиги 5 дан 20 минутга узайтирилганда сульфатсизланиш даражаси кескин ортади. 5, 20 ва 30 минутдан сўнг сульфатсизланиш даражаси мос равишда 58,37%, 88,59 % ва 89.80%ни ташкил этади. Жараёни 180 минутгача давом этиши эса сульфатсизланиш даражасининг сезиларли даражада ортишига олиб келмайди.

Ҳарорат оширилганда сульфатсизланиш даражаси нисбатан пасаяди. 20, 40 и 60⁰С ҳароратда рапанинг сульфатсизланиш даражаси мос ҳолда 5 минут давомида – 58,9; 54.93 ва 50,88%, 30 минутдан сўнг – 89,80; 84.50 ва 78,27%, 60 минутдан сўнг – 90,33; 85.40 ва 79,21% ни ташкил этади.

4-жадвал


**Дистиллер суюқлиги меъёри 100% бўлганда Караумбет кўли
рапаларини таркиби ва сульфатсизланиш даражасига жараён
давомийлиги ва ҳароратнинг таъсири**

Вакт, мин	С.ф. ионли таркиби, оғ. %					С.ф. тузли таркиби, оғ. %				$\gamma_{so_4^{2-}}$, %
	Na ⁺	Mg ²⁺	Ca ²⁺	Cl ⁻	SO ₄ ²⁻	MgCl ₂	NaCl	CaCl ₂	MgSO ₄	
Сульфатсизланиш ҳарорати 20°С										
5	5,67	2,33	0,40	15,24	0,96	8,27	14,43	1,12	1,20	58,37
10	5,72	2,35	0,22	15,36	0,52	8,79	14,55	0,60	0,65	77,85
15	5,74	2,36	0,14	15,41	0,34	8,99	14,60	0,40	0,42	85,49
20	5,75	2,36	0,11	15,43	0,27	9,08	14,62	0,32	0,33	88,59
30	5,75	2,36	0,10	15,44	0,24	9,11	14,62	0,28	0,30	89,80
60	5,75	2,36	0,10	15,44	0,23	9,13	14,63	0,27	0,28	90,33
180	5,75	2,36	0,09	15,45	0,22	9,14	14,63	0,26	0,27	90,81
Сульфатсизланиш ҳарорати 40°С										
5	5,67	2,33	0,44	15,22	1,04	8,18	14,41	1,21	1,30	54,93
10	5,71	2,35	0,25	15,34	0,60	8,69	14,53	0,71	0,76	74,07
15	5,73	2,35	0,19	15,38	0,46	8,85	14,56	0,54	0,58	80,27
20	5,73	2,35	0,17	15,40	0,40	8,93	14,58	0,46	0,49	83,08
30	5,74	2,36	0,15	15,41	0,36	8,97	14,59	0,43	0,45	84,50
60	5,74	2,36	0,14	15,41	0,34	8,99	14,60	0,40	0,43	85,40
180	5,74	2,36	0,14	15,42	0,33	9,01	14,60	0,38	0,41	86,07
Сульфатсизланиш ҳарорати 60°С										
5	5,66	2,32	0,47	15,19	1,13	8,08	14,39	1,32	1,42	50,88
10	5,68	2,33	0,37	15,26	0,87	8,38	14,46	1,02	1,09	62,36
15	5,70	2,34	0,29	15,32	0,69	8,59	14,50	0,80	0,86	70,45
20	5,71	2,35	0,25	15,34	0,60	8,70	14,53	0,69	0,74	74,46
30	5,72	2,35	0,21	15,37	0,51	8,80	14,55	0,59	0,63	78,27
60	5,72	2,35	0,20	15,37	0,49	8,83	14,56	0,57	0,61	79,21
180	5,72	2,35	0,20	15,38	0,47	8,84	14,56	0,55	0,59	79,79

Караумбет кўли рапалари сульфатсизланиш жараёни, суюқ фаза ионли ва тузли таркиби, сульфатсизланиш даражасига кальций ионлари ва ҳароратнинг таъсири бўйича тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бунда дистиллер суюқлиги меъёри 75% дан 100 % га ортганда сульфатсизланиш даражаси 39,9%га ортади, меъёрнинг янада 100 дан 150%га ортганда сульфатсизланиш даражаси атиги 5,76%га ортади. Бундан ташқари, дистиллер суюқлиги меъёри 100%дан ортганда рапа таркибида кальций хлорид микдорининг кескин ортишига олиб келади.

Дистиллер суюқлиги меъёри ва ҳароратга боғлиқ ҳолда сульфатсизланиш даражаси ва ионлари микдорининг ўзгариши бўйича

худди шундай қонуният Борсакелмас кўли рапалари билан ўтказилган тадқиқот натижаларида ҳам сақланади. Дистиллер суюқлигининг меъёри 75% дан 110% гача оширилганда сульфатсизланиш даражаси ортади ва бу 100% меъёргача тўғри чиқиқли боғлиқ бўлади (1а-расм). Жараён ҳароратининг 20°C дан 60°C гача оширилиши сульфатсизланиш даражасининг камайишига олиб келади. Масалан, дистиллер суюқлигининг меъёри 100-110% бўлганда сульфатсизланиш даражаси Борсакелмас кўли рапалари учун 20°C да 89,80–92,50%, 40°C да 83,14-85,64% ва 60°C да 65,23-72,47% ни ташкил этади, бу кальций сульфат эрувчанлигининг ортиши билан тушунтирилади. Бунда рападаги кальцийнинг нисбий миқдори дистиллер суюқлигининг 100% меъёригача камаяди, сўнгра ортади (1б-расм). Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини сульфатсизлантиришнинг макбул меъёри: ҳарорат 20-30°C, дистиллер суюқлиги меъёри 100-105%, жараён давомийлиги 30 минут ҳисобланади. Бунда сульфатсизлантирилган рападаги сульфат ионларининг миқдори 0,29-0,85% ни, кальция ионлари миқдори эса 0,12-0,15% ни ташкид этади.



Расм. 1. Рапани сульфатсизлантириш даражаси (а) ва ундаги кальций миқдорига (б) дистиллер суюқлиги меъёрининг ва ҳароратнинг таъсири: 1 – 20° С; 2 – 40° С; 3 – 60° С.

Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапалари сульфатсизлантирилганда 90-95% сульфатлар $\text{Ca}_2\text{SO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ тарзида чўкмага тушади. Чўкмани ажратиб олиш учун рапаларни сульфатсизлантиришда ҳосил бўладиган суспензияларнинг тиниш даражаси ва чўкиш тезлигини, филтрлаш тезлигини ўрганиш ҳамда эритмани барий хлорид ва кальцинирланган сода билан тўлиқ тозалаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди.

Тиндириш жараёни давомийлиги оширилганда тиниш даражаси секинлашади, ҳарорат оширилганда эса кескин ортади. Масалан, 10 минутдан сўнг тиниш даражаси 59,17% ни ташкил этади, 30 минутдан сўнг у 92,88% га етади, яъни 20 минут ичида у 33,71%га ортади. Шу пайтда ҳарорат 20 дан 60°Cгача оширилиши 10 минутдан сўнг суспензиянинг тиниш даражасини 59,17%дан 89,22%гача ортишини таъминлайди. Тиндириш жараёни давомийлигининг 10 дан 30 минутгача оширилиши тиниш тезлигининг 0,62

м/соат дан 0,09 м/соат гача камайишига, ҳароратнинг оширилиши эса тезликнинг 0,62 м/соат дан 1,44 м/соат га ортишига олиб келади. Бу ҳарорат оширилганда эритма қовушқоқлигининг камайиши билан изоҳланади.

$\text{Ca}_2\text{SO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ чўкмасининг филтрлаш тезлиги чўкма бўйича 781 кг/м²·с ни, бўтқа бўйича – 2733,5 кг/м²·с ни ташкил этади. Филтрдаги чўкма баландлиги ортганда филтрлаш тезлиги чўкма бўйича ҳам, бўтқа бўйича ҳам сезиларли даражада камаяди.

Дистиллер суюқлиги билан рапаларни сульфатсизлантириш жараёнининг давомийлиги 5 дан 180 минутга узайтирилиши 20°C да суюқ фаза зичлигининг 1,206 г/см³ дан 1,193 г/см³ гача камайишига олиб келади. Сульфатсизланиш босқичи ҳарорати 20 дан 40 ва 60°C гача оширилганда суюқ фаза зичлиги амалда ўзгармайди ва сульфатсизлантириш давомийлиги 30 минут ва ундан кўп вақт давомида 1,195-1,197 г/см³ ни ташкил қилади. Ҳарорат оширилганда эритма зичлиги сезиларсиз даражада ўзгаради. Сульфатсизлантириш жараёни давомийлиги ва ҳарорат ортганда эритма қовушқоқлиги ҳам камаяди.

Караумбет кўли рапасини «Кўнғирот сода заводи» УК дистеллер суюқлиги билан сульфатсизлантириш натижасида олинган эритмадаги кальций ионлари миқдори ортади, бу эса натрий хлорид ва бишофитни ифлослантиради. Қолдиқ кальций ионларини йўқотиш учун натрий карбонатдан фойдаланилди, унинг меъёрини кальций карбонат ҳосил бўлишига мувофиқ келадиган стехиометрик миқдорга нисбатан 75% дан 125% оралиғида олинди. Натрий карбонат меъёри 75 дан 105% гача оширилганда суюқ фазадаги кальций хлорид миқдори сезиларли даражада 0,87 дан 0,67% гача камаяди. Натрий карбонат меъёрининг кейинги 125% гача оширилиши суюқ фазадаги кальций хлорид миқдорининг сезиларли даражада камайишига олиб келмайди. Бошқа компонентлар – магний ва натрий хлориди ҳамда магний сульфат миқдори ҳам кам даражада ўзгаради ва улар миқдори мувофиқ ҳолда қуйидаги чегарада ўзгаради (оғ. %): 9,106-9,151; 15,223- 15,665 ва 0,227-0,228.

SO_4^{2-} ионлари қолдиқ миқдорини чўктиришни 25 °C ҳароратда 70-105% меъёрдаги барий хлорид билан 30 минут жараён давомийлигида ўтказилди.

Барий хлорид меъёри 70 дан 100% гача оширилганда рапа сульфатсизланиш даражасининг пропорционал суратда ортиши кузатилади. Барий хлорид меъёри 100% га етганда сульфатсизланиш жараёни якунланади. Бунда сульфатсизланиш даражаси 99,50% га етади ва рападаги қолдиқ SO_4 миқдори 0,001% дан ортмайди.

Ортиқча барий хлорид тарзидаги қўшимчалар бўлмаслиги учун кейинги тадқиқотларда барий хлорид меъёри 95-98% чегарасида олинди. Бунда SO_4^{2-} ионларининг чўкиш даражаси 96,25-98,63% га етади ва эритмадаги қолдиқ SO_4^{2-} ионлари миқдори 0,0036-0,0086% ни ташкил этади, бу эса бишофит учун белгиланган талабларга жавоб беради.

IV. Диссертациянинг «Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини қайта ишлаш жараёнининг тадқиқи» деб номланган

тўртинчи бобида тозаланган рапани магний хлоридга қайта ишлаш бўйича тадқиқот маълумотлари келтирилган.

Сульфат ва кальцийдан тозаланган рападаги натрий хлорид микдорининг кўплигига боғлиқ ҳолда буғлатиш 100 °C ҳарорат ва 40 мм сим. уст. вакуум шароитида икки босқичда – натрий хлорид чўкмасини босқичма-босқич ажратиб олиш билан амалга оширилди.

5-жадвал

Биринчи ва иккинчи босқич буғлатишдан сўнг суюқ фаза таркибига буғлатиш жараёнининг таъсири

Буғлатиш босқичи	Буғланган сув, %	Суюқ фаза оғирлиги, оғ. %				C:K
		MgCl ₂	NaCl	CaCl ₂	MgSO ₄	
I	0	9,12	15,49	0,67	0,23	1,250
	30	12,21	18,52	0,59	0,21	1,271
	31,5	13,18	17,67	0,55	0,20	1,279
	32,6	13,90	17,08	0,51	0,20	1,286
	33,5	14,54	16,54	0,49	0,19	1,292
	35,9	16,08	15,11	0,46	0,18	1,308
	38,7	18,06	13,65	0,41	0,15	1,332
	40,0	19,18	12,58	0,40	0,14	1,347
	42,5	21,04	10,62	0,36	0,12	1,373
	45,6	24,01	8,01	0,32	0,11	1,422
II	0	24,01	8,01	0,32	0,11	—
	19,2	25,53	7,42	0,29	0,10	28,97
	38,4	32,14	3,67	0,21	0,08	11,41
	42,1	34,26	2,61	0,18	0,07	8,91
	45,9	37,28	1,55	0,14	0,06	7,39
	49,0	40,05	0,90	0,10	0,05	6,45
	52,0	43,10	0,25	0,05	0,04	5,69
	55,2	46,15	0,11	0,03	0,04	4,87
	56,9	46,92	0,09	0,03	0,03	4,84

Биринчи босқич буғлатиш ва натрий хлорид ажратилган сўнг олинган филтрат 52% сув буғлангунча буғлатилди. Рапани концентрлашнинг, биринчи ва иккинчи босқичда буғлатишга таъсири бўйича маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

Буғлатилган сув микдорининг 45,6% гача ортиши C:Kнинг 3,86 га камайишига олиб келади ва бунда эритмадаги магний хлорид концентрацияси 24,01% гача ортади, натрий хлорид микдори эса унинг чўкмага тушиши ҳисобига 8,01% гача камаяди, бу эса натрий ва магний хлоридлар эрувчанликларининг фарқланиши билан изоҳланади. Кальций хлорид концентрацияси 0,67% дан 0,32% гача, магния сульфат концентрацияси эса 0,23% дан 0,11% гача камаяди. Суюқ фаза зичлиги 1,250 г/см³ дан 1,422 г/см³ гача ортади. Иккинчи босқич буғлатишда 52,0-55,2% микдордаги сув буғлатилгандан ва натрий хлорид ажратилгандан сўнг

магний хлорид концентрацияси 43,10-46,92% га етади, бу эса таркибида 91,94-97,06% магний хлорид гексагидрати бўлган маҳсулот сифатидаги бишофитга мувофиқ келади. Қўшимчалар миқдори бўйича бишофит давлат стандарти (ДАСТ) 7759-73 талабларига мувофиқ келади. Натрий хлорид миқдори 0,09-0,25% дан ошмайди. Бунда кальций хлорид концентрацияси 0,05-0,03% гача, магний сульфат концентрацияси 0,03% гача камаяди, С:К 4,84-5,69 қийматга етади.


6-жадвал

Биринчи ва иккинчи босқич буғлатишда NaCl чўкмали бўтқанинг фильтрланиши

Буғлатиш босқичи	С:К	Чўкма баландлиги, мм	Фильтрланиши ($\Phi \cdot 10^{-5}$), $\text{м}^4/\text{Н} \cdot \text{с}$	Фильтрланиш тезлиги, $\text{кг}/\text{м}^2 \cdot \text{с}$		
				Бўтқа бўйича	Чўкма бўйича	Фильтрат бўйича
I	3,5:1	21,7	0,851	11474	3828	7646
		14,6	0,651	13064	4356	8708
		7,3	0,352	14152	4716	9436
	4,0:1	15,8	1,021	16877	4219	12658
		10,6	0,766	19952	4990	14962
		5,3	0,384	21233	5310	15923
	4,5:1	12,9	1,111	21096	4248	16848
		8,7	0,862	24264	4860	19404
		4,3	0,497	27507	5663	22644
II	5,0:1	10,1	0,259	7232	3811	5425
		6,8	0,205	8492	2124	6368
		3,5	0,117	9436	2358	7078
	5,5:1	8,1	0,287	9374	1876	7499
		5,5	0,235	11322	2264	9058
		2,8	0,128	12132	2426	9706
	6,0:1	7,5	0,320	13255	2074	9432
		5,1	0,268	14155	2552	11603
		2,6	0,164	16985	3064	13921

Натрий ва магний хлоридлар эритмаси буғлатилганда ҳосил бўладиган бўтқани фильтрлаш жараёнини ўрганиш кўрсатдики, қолдиқ босим 84 кПа ва фильтрлаш сатҳи $63,59 \cdot 10^{-4} \text{ м}^2$ бўлганда фильтрлаш тезлиги катта бўлади (6-жадвал).

Ўтказилган лаборатория тадқиқотлари асосида бир пайтда кимёвий чўктирилган гипс, бўр ва натрий хлорид олиш билан Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини магний хлоридга комплекс қайта ишлаш технологик схемаси ишлаб чиқилди (2-расм).



Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини комплекс қайта ишлаш блок-схемаси ишлаб чиқилди, моддий оқимлар схемаси ва моддий баланси тузилди, технологик режим меъёри аниқланди, Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларидан бишофит ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги бўйича дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблар амалга оширилди. Ишлаб чиқариш регламенти, бишофит ишлаб чиқаришни лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар тайёрланди.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалар қуйидагилар ҳисобланади:

1. Караумбет ва Борсакелмас кўли рапаларининг кимёвий таркиби, шунингдек айрим физик хоссаларини ўрганиш орқали тузли таркибининг бир-биридан кескин фарқланиши, бунда Борсакелмас кўли рапасига нисбатан Караумбет кўли рапасида туз миқдори 1,2 мартадан ортиқ кўп бўлиши аниқланди. Эритма тузли таркибининг кескин фарқ қилганда ҳам уларнинг физик хоссалари кам фарқланади.

Борсакелмас кўли рапасининг зичлиги 1,190 дан 1,221 гача, Караумбет кўли рапасининг зичлиги эса 1,240 дан 1,290 г/см³ гача, Борсакелмас кўли рапаси учун қовушқоқлик 1,40 дан 1,187 гача, Караумбет кўли рапаси учун қовушқоқлик 3,07 дан 4,87 сПз гача ўзгаради, рН муҳити эса 6,3 дан 7,0 гача ўзгаради.

2. Илк маротоба NaCl-H₂O, Na₂SO₄-H₂O системаси ва 2Na⁺, Mg²⁺//2Cl⁻, SO₄-H₂O тўртламчи сувли системасининг таҳлилига асосан галитнинг ёзги чўкиши ва мирабалитнинг қишки чўкиши назарий асосланди. Олинган экспериментал ва илмий маълумотлар ҳудуднинг табиий климатик шароитида кўллар рапаларида концентрланиш жараёнлари содир бўлиши ҳамда шарт-шароитларини асослаб беришни таъминлайди. Караумбет кўли рапаларини табиий буғлатиш йўли билан 22% гача натрий хлоридни ажратиб олиш мумкинлиги ва бунда магний оксид миқдори 4,59% дан 9,45% гача, 3,46% дан сульфатлар миқдори 4,25% гача ортиши кўрсатиб берилди. Кальций оксид миқдори 0,11 дан 0,08% гача камаяди. Борсакелмас кўли рапаларининг таркиби ҳам бойийди ва таркибидаги магний хлорид миқдори 17,33% га натрий сульфат миқдори эса 8,72% га етади. Қишки чўкиш рапалардан мирабилитнинг ажралишини ва бу эса Na₂SO₄ миқдорини 0,13-0,53% гача камайишини ва ёзги табиий чўкишдан сўнг эса рапа таркибидаги магний хлоридни 19,69 - 23,31 % гача ошишига олиб келади.

3. Саноат ишлаб чиқариши шароитида Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини концентрлаш жараёнлари тадқиқ қилинди ва рапаларни буғлатишни икки босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди. Рапани биринчи босқичда 1,34-1,40 г/см³ зичликкача буғлатиш, натрий хлорид ажратилгандан сўнг суюқ фазани иккинчи босқичда 1,34-1,35 г/см³ зичликкача буғлатиш керак. Бунда натрий хлориднинг концентрацияси

биринчи босқич буғлатишдан сўнг 15-16% ни, иккинчи босқичдан сўнг эса 19,0-19,5% ни ташкил этади.

4. Сода ишлаб чиқариш чиқиндисиди – дистиллер суюқлигидан фойдаланган ҳолда Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини сульфатсизлантириш жараёнлари ўрганилди. Технологик жараённинг оптимал меъёри аниқланди: дистиллер суюқлиги меъёри – 100-102%, жараён ҳарорати – 20-30° С, жараён давомийлиги – 20-30 минутни ташкил этади. Бунда рапанинг сульфатсизланиш даражаси ва суюқ фазадаги қолдиқ кальций ионлари миқдори мос ҳолда 88-91% ва 0,14-0,21% ни ташкил қилади. Ҳосил бўладиган суспензия етарли даражада яхши ажралади (чўкиш тезлиги 0,5-0,9 м/соат ни ташкил этади). 30 минутдан сўнг суспензияни тиниш даражаси 92,88% га етади. Қуюқ чўкма бўйича кальций сульфат чўкмасини филтрлаш тезлиги 781 кг/м²·с ни ташкил этади.

5. Караумбет ва Борсакелмас кўллари қисман сульфатсизлантирилган рапаларини қолдиқ сульфатлар ва кальций миқдоридан барий хлорид ва натрий карбонат билан қўшимча тозалаш тадқиқ қилинди. Жараёнда иштирок этувчи реагентлар нисбатининг чегараси аниқланди. Натрий карбонатнинг мақбул меъёри 100-105% ҳисобланиши кўрсатиб берилди. Бунда кальций ионларининг чўкиш даражаси 59,4-60,5% ни ташкил этади. Барий хлориднинг мақбул (оптимал) меъёри 95-98% ҳисобланади. Бунда рападаги сульфатлар миқдори 0,001% дан ошмайди.

6. Олдиндан тозаланган магний ва натрий хлоридлари эритмаларини буғлатиш жараёнини ўрганиш орқали таркибида 43,10-46,92 % магний хлорид бўлган суюқланма олиш мумкинлиги кўрсатиб берилди. Бунинг учун буғлатишни икки босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Биринчи босқичда 45,6% гача сув буғлатилади ва таркибида 24,01 % гача магний хлорид ва 8,01% гача натрий хлорид бўлган эритма олинади. Суюқ фаза зичлиги бунда 1,250 г/см³ дан 1,422 г/см³ гача ортади. Биринчи босқич буғлатишдан ва натрий хлорид ажратилгандан сўнг иккинчи босқич буғлатишда қолган сувнинг 55,2% миқдори буғланади. Олинган суюқланма таркибида 0,09-0,25% натрий хлорид, 0,03-0,05% кальций хлорид, 0,03% гача магний сульфат бўлади. Натрий хлорид чўкмаси яхши филтрланади. Филтрланиш тезлиги чўкма бўйича С:Қ нисбатига ва филтрдаги чўкма қатлами қалинлигига боғлиқ ҳолда биринчи босқичда 3823-5663 кг/м²·с ни ва иккинчи босқичда 1807-3064 кг/м²·с ни ташкил этади.

7. Лаборатория ва модел қурилмалардаги тажриба ишлари асосида бишофит олиш технологик схемаси ишлаб чиқилди, моддий баланси тузилди, ишлаб чиқаришнинг технологик регламенти, йиллик қуввати 15 минг т бўлган ишлаб чиқариш қурилмасини лойиҳалаш учун дастлабки маълумотлар тайёрланди. Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларини қайта ишлаш бўйича амалий тадқиқотлар натижалари бишофит ишлаб чиқариш технологиясини синашга асос бўлиб хизмат қилди, бу эса синов ишлари «Fargonaazot» АЖда тажриба намуналари ишлаб чиқариш билан мувоффақиятли ўтказилди.

8. Бишофит ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги бўйича дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблар амалга оширилди, бу Караумбет ва Борсакелмас кўллари рапаларидан бишофит ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини кўрсатди. Маҳсулот таннарни 737,78 минг сўмни, улгуржи нархи эса 1106,66 минг сўмни ташкил этади. Йилига 15 минг тонна бишофит ишлаб чиқарилганда иқтисодий самарадорлик 5,533 млрд. сўмни ташкил этади ва йилига 8,25 млн. доллар иқтисод қилинади. Ундан ташқари қўшимча маҳсулотлар натрий хлориди, кимёвий чуқтирилган гипс ва мелни сотишдан ҳам иқтисодий самарадорлик олинади ва қўшимча ишчи ўринлари яратилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.K/T.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ И ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ТОЖИЕВ РУСТАМБЕК РАСУЛОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ БИШОФИТА
ИЗ РАПЫ ОЗЕР КАРАУМБЕТ И БАРСАКЕЛЬМЕС**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/T174.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.ionx.uz и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Мирзакулов Холтура Чориевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сейтназаров Атаназар Рейпназарович
доктор технических наук, старший научный сотрудник

Каипбергенов Атабек Тулепбергенович
доктор технических наук

Ведущая организация:

Наманганский инженерно - технологический институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 г. в «___» часов на заседании Научного совета 16.07.2013.К/Т.14.01 при Институте общей и неорганической химии и Ташкентском химико-технологическом институте (Адресу: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90; e-mail: ionxanruz@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии (зарегистрирована за №___). (Адрес: 100170, г.Ташкент, ул. Мирзо Улугбек, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2017 года).

Б.С. Закиров

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.х.н.

Д.С. Салиханова

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н.

С. Тухтаев

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире главная перспектива развития сельского хозяйства связана с повышением урожайности и качества за счет внедрения новейших технологий обработки почвы и выращивания сельхозкультур, созданием высокоурожайных сортов технических культур и конечно, применением комплексных мер, включающих применение минеральных удобрений, средств защиты растений, дефолиантов и др. препаратов. Поэтому, в последнее время уделяется большое внимание разработке новых, высокоэффективных, безопасных видов дефолиантов для хлопчатника, протравителей семян. Большинство новых дефолиантов и протравителей основано на применении хлората и хлорида магния.

На сегодняшний день в мире особое внимание уделяется разработкам технологии получения чистых солей и оксида магния с вовлечением в производство имеющихся сырьевых источников в виде рассолов, соляных озер, морской воды, природных залежей. В этом аспекте, важной задачей является разработка технологии получения хлористого магния из рапы озер Караумбет и Барсакельмес. Для разработки технологии переработки рапы озер необходимо обосновать для научных решений, в том числе по следующим направлениям: разработка эффективного метода получения насыщенных, очищенных от сопутствующих примесей растворов хлористого магния из рапы, переработка очищенных растворов на хлористый магний, разработка технологии получения бишофита.

За годы независимости в химической промышленности Республики достигнуты высокие результаты по модернизации и диверсификации производств, внедрению инновационных технологий, увеличению объемов и расширению ассортимента экспортоориентированной, конкурентоспособной продукции, в том числе, дефолиантов, протравителей семян. В результате реализации конкретных мер достигнуты высокие результаты научных исследований по развитию технологий производства малотоксичных дефолиантов и обеспечению ими сельского хозяйства. Вместе с этим не уделено достаточного внимания освоению новых месторождений магнийсодержащего сырья и вовлечению их в промышленное производство. В третьем направлении стратегии развития Республики Узбекистан отмечены важные задачи, направленные на опережающие «развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». В этом отношении освоение новых месторождений магнийсодержащего сырья и вовлечение их в промышленное производство и занимают особое место в обеспечении Республики нужными химическими продуктами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП 4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по

обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы», № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-3236 от 23 августа 2017 года «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в Республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

